

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019. Tar.02.10 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРМАНОВ ФЕРУЗ АСФАНДИЁРОВИЧ

**XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ
ҲАЁТИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МУАССАСАЛАРНИНГ ЎРНИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Нарманов Феруз Асфандиёрович

XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида маданий-маърифий муассасаларнинг ўрни 5

Нарманов Феруз Асфандиёрович

Место культурно-просветительских учреждений в социальной жизни Узбекистана в 20-30-е годы XX века 23

Narmanov Feruz Asfandiyarovich

The role of cultural and educational institutions in the social life of Uzbekistan in 20-30s of the XX century 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019. Tar.02.10 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРМАНОВ ФЕРУЗ АСФАНДИЁРОВИЧ

**XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ
ҲАЁТИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МУАССАСАЛАРНИНГ ЎРНИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.3. PhD/Таг540 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Хантов Шодмон Ахмадович
тарих фанлари доктори., профессор

Расулов Бахтиёр Махмуджонович
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019. Таг.02.10 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «6» 02 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; Факс: (99866) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй). Тел.: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; факс: (99866) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2020 йил «22» 12 кунда тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)



М.М.Исҳоқов

М.М.Исҳоқов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Г.Б.Нормуронова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

И.М.Самдов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар марказида инсоният учун барқарор ижтимоий ҳаётни таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бунда айниқса, инсонларнинг интеллектуал ва маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондириш ҳамда жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашда маданий-маърифий муассасалар алоҳида ўринга эга. 2015 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеяси жаҳон ҳамжамиятининг 2030 йилга қадар барқарор ривожланиши дастурини қабул қилди. Мазкур дастур доирасида дунё аҳолисининг ижтимоий ва маданий даражасини ошириш учун таълим ва маданият тараққиётига асосий эътибор қаратилди. Бу эса жамиятнинг маданий савиясини ривожлантириш орқали барқарор ижтимоий ҳаётни таъминлаш ва уни сақлаб қолиш заруратини юзага келтиради.

Дунёнинг бир қатор халқаро илмий тадқиқот марказларида XX асрда совет давлати ва унинг иттифокдош республикаларида кечган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий сиёсати моҳиятини ўрганишга бағишланган изланишлар олиб борилмоқда. Шу жумладан, XX асрнинг 20-30 йилларида совет ҳокимияти ҳукмрон мафқурасини тарғибот ва ташвиқот қилиш бўйича ишга солинган восита ва усулларни ўрганиш, ушбу жараёнда маданий-маърифий муассасалардан самарали фойдаланилгани масалаларига эътибор қаратилмоқда. Маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида ижтимоий ҳаёт ва шахс ижтимоий фаоллиги билан боғлиқ жараёнларда бундай «таянч воситалар»идан кенг фойдаланилганлиги, синфийлик ғояси таъсирида кечганлиги, миллий манфаатларнинг инкор қилинганлиги каби масалаларни таҳлил этилиши мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар замирида тарих фани ривожини ҳам янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «...бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак»¹. Ҳозирда тарих фани олдида турган муҳим вазифалардан бири, совет ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонда кечган жараёнларни чуқур таҳлил қилиш ва илмий асосланган хулосалар чиқариш ғоятда муҳим саналади. Хусусан, XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон ижтимоий ҳаётига ҳукмрон мафқурани сингдиришда маданий-маърифий муассасаларнинг тутган ўрнини аниқ ва изчиллик асосида тадқиқ этиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2020 йил 8 октябрдаги «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

¹ Мирзиёев Ш.М. Ислом цивилизацияси маркази қурилиши билан танишувда билдирилган фикрлар. 21 декабрь, 2018 йил. <https://www.gazeta.uz>.

ПФ-5598-сонли Фармонлари, 2017 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3105-сонли, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сонли, 2018 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4038-сонли Қарорлари, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Масаланинг тарихшунослик таҳлили диссертациянинг биринчи бобда тўлиқ таҳлил этилган. Мазкур ишларда асосан 20-30 йилларда кечган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги ва «Хужум» ҳаракати, миллий маданиятга муносабат, советларнинг динга қарши олиб борган сиёсати, Ўзбекистонда қатағон сиёсати каби бир қатор масалалар ўрганилган. Уларнинг тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида маданий-маърифий муассасаларнинг тутган ўрни муаммоси алоҳида яхлит тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу эса танланган мавзунинг илмий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг АТД-1 «Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик тарихи: муносабатлар ва қарашлар» (2016-2020 йй.) мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида маданий-маърифий муассасаларнинг тутган ўрнини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- маданий-маърифий муассасаларнинг XX асрнинг 20-30 йилларидаги фаолияти тарихшунослиги ва манбашунослиги масалаларини таҳлил қилиш;
- XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистонда ташкил этилган маданий-маърифий муассасаларни мақсад ва вазифаларига кўра илмий таснифлаб, уларнинг хусусиятларини аниқлаш;
- XX асрнинг 20-30 йилларида маданий-маърифий муассасаларнинг янги шакли сифатида қизил чойхона ва қизил арава, маълумотлар столи каби тарғибот воситаларининг аҳоли ижтимоий ҳаётига сингдирилиш усулларини ва оқибатларини очиқ бериш;

- маданий-маърифий муассасаларнинг моддий аҳволи ва кадрлар билан таъминланишини кўрсатиб бериш;

- аҳолининг саводхонлик даражасини кўтаришда кироатхона ва кутубхоналарнинг ўрнини аниқлаш;

- маданий-маърифий муассасаларда тузилган тўғараклар ва ҳаваскорлик санъат уюшмаларида маҳаллий аҳоли вакилларининг иштирокини кўрсатиб бериш;

- маданият соҳасида маданий-маърифий муассасалардан фойдаланиш бўйича совет ҳукумати сиёсатининг асл мақсади ва моҳиятини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон ва унинг ижтимоий ҳаётида маданий-маърифий муассасаларнинг тутган ўрни танланган.

Тадқиқотнинг предмети 1920-1930 йилларда маданий-маърифий муассасалар вазифалари, хусусиятлари, уларнинг таснифи ва советларнинг тарғибот курули ва воситаси сифатида ижтимоий ҳаётга бирёқлама таъсири ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда муаммовий-хронологик таҳлил, киёсий таҳлил, тизимлаштириш ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

1920-1930 йилларда асосий тарғибот тузилмалари сифатида ташкил этилган маданий-маърифий муассасаларнинг фаолияти ва хусусиятлари орқали совет ҳукмрон мафкурасининг Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоийлашувидаги салбий таъсири аниқланган;

XX асрнинг 20-30 йилларида ташкил қилинган клуб, қизил чойхона, қизил бурчак ва анъанавий чойхоналарнинг совет сиёсати тарғиботига хизмат қилувчи тadbирлар марказига айлантирилгани, шунингдек, қизил арава, кироатхона ва кутубхоналарнинг ҳукмрон мафкуранинг қўшимча «тарғибот воситалари» сифатидаги фаолияти очиб берилган;

тарғиботнинг энг оддий ва энг содда кўриниши сифатида маданий-маърифий муассасаларда ташкил этилган қизил-қора доскалар ва «маълумотлар столи» XX асрнинг 20-30 йилларида совет ҳокимияти амалга оширган зўравонлик ва катағон сиёсатининг кўлами ва миқёси кенгайишида муҳим инструментлардан бири эканлиги аниқланган;

совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги маданий соҳада олиб борган сиёсатида «таянч воситалар» ролини ўтаган маданий-маърифий муассасалар фаолиятининг ўрни, аҳолининг ижтимоий фаоллашуви, саводсизликнинг тугатилиши каби ижобий натижалари билан бирга, миллий кадриятларнинг йўқ қилиниши, ижтимоий психологик муҳитни мафкурага мослаштириш каби салбий оқибатлари асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

1920-1930 йилларда совет мустабид сиёсати натижасида ўтказилган турли сиёсий кампанияларда маданий-маърифий муассасаларнинг иштироки ва ижтимоий ҳаёт манзаралари очиб берилган;

XX асрнинг 20-30 йилларида большевиклар партияси ва совет ҳомияти томонидан ишлаб чиқилган мафкуралаштирилган сиёсатни тарғиб қилишда

маданий-маърифий муассасаларнинг иштироки, ўтказилган тадбирларнинг мақсад ва вазифаси ҳамда оқибатларининг ижтимоий ҳаётга, миллий-маданий муҳитга салбий таъсири кўрсатиб берилган;

маданий-маърифий муассасалар тизимидан тўғри ва оқилона фойдаланиш бугунги кунда ҳам долзарб масала эканлиги аҳоли орасида давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, аҳолини уюштиришда муҳим восита эканлиги аммо тадқиқ этилаётган даврда мазкур муассасалар фаолияти мафкуравий тус олганлиги аниқланган;

1920-1930 йилларда олиб борилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари орқали маҳаллий аҳоли ижтимоий ҳаётига ёт бўлган совет мафкурасини сингдиришда маданий-маърифий муассасалар ижтимоий омил вазифасини бажарганлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги XX асрнинг 20-30 йилларида маданий-маърифий муассасаларнинг Ўзбекистон ижтимоий ҳаётидаги ўрнини тадқиқ этиш Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондлари, Самарқанд вилоят давлат архиви ва Самарқанд давлат музей кўриқхонаси архиви ҳужжатларига асослангани, расмий ҳужжатлар, тарихий ва мемуар асарлар, статистик ҳужжатлар, даврий матбуот материаллари, рассомчилик ва фото материалларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар республика ва хориж илмий нашрларида, конференцияларида муҳокама қилингани, илмий натижаларнинг эса ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Ўзбекистонда 1920-1930 йилларда ташкил этилган маданий-маърифий муассасалар фаолиятига доир маълумотлар мустабид совет сиёсатининг туб моҳиятини аниқлашга хизмат қилувчи назарий-методологик хулосаларни мукамаллаштиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса Ўзбекистоннинг совет даври маданий-маърифий муассасалари тарихига доир махсус курслар ташкил этиш, музейларда XX асрнинг 20-30 йилларига тегишли фото ва рангтасвир экспозицияларни бойитишда, ижтимоий ҳаётда давлат томонидан олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот тадбирларининг ишлаб чиқишида тарихий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида маданий-маърифий муассасалар ўрнини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида янги маданий-маърифий муассасаларнинг жорий этилиши, тизимдаги ўзгаришлар ва уларнинг сабабларини аниқлаш, маданий-маърифий муассасаларда совет мафкурасини сингдириш йўллари ҳамда услубларини тадқиқ этиш, маҳаллий аҳоли ҳаётига «қизил чойхона»ларнинг сингдирилиши ва унинг оқибатларига доир илмий хулосалар «O'zbekiston tarixi» телеканалининг «Тақдимот» кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон МТРК, «O'zbekiston

tarixi» телеканалининг 2020 йил 3 мартдаги 01-40/546-сонли маълумотномаси). Такдим этилган маълумотлар 1920-1930 йилларда Ўзбекистонда ташкил қилинган маданий-маърифий муассасалар фаолиятини кенг жамоатчиликка етказиб беришга хизмат қилган;

XX асрнинг 20-30 йилларида қизил чойхоналарда олиб борилган сиёсий тарғибот тадбирлари маҳаллий аҳолининг онги ва тафаккурига таъсир этиш орқали кишиларнинг ижтимоий ҳаётини ўзгартиришга бўлган салбий ҳаракатлар ва уринишлар ҳақидаги илмий янгиликлардан Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси экспозицияларини бойитишда илмий ахборот сифатида фойдаланилган (Маданият вазирлигининг 2020 йил 4 июндаги 01-12-10-2224-сонли маълумотномаси). Тадқиқот илмий хулосалари сифатида такдим этилган маълумотлар музей-қўриқхона тизимида XX асрнинг 20-30 йиллари Ўзбекистон ижтимоий ҳаётига бағишланган ҳужжатлар, моддий ашёлар фондининг илмий таснифини ёзишда коллекциялардаги ашёларнинг тарихий аҳамиятини очиб беришга хизмат қилган;

1920-1930 йилларда асосий тарғибот тузилмалари сифатида ташкил этилган маданий-маърифий муассасаларнинг фаолияти ва хусусиятлари орқали совет ҳукмрон мафкурасининг Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоийлашувидаги салбий таъсирга доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи экспозицияларини бойитишда фойдаланилган (Қатағон қурбонлари хотираси музейининг 2020 йил 6 июлдаги №57-сонли маълумотномаси). Такдим этилган маълумотлар музейнинг совет даврига оид бўлими экспозициясининг янада қизиқарли ва таъсирчан бўлишида муҳим аҳамият касб этган;

1920-1930 йилларда совет ҳукуматининг маҳаллий аҳоли ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ бўлган жамиятнинг қуйи қатламлари ўртасида совет тузуми тарғиботининг восита ва методлари, маданий-маърифий муассасаларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, совет мафкурасини сингдириш орқали ҳукмрон тузумнинг инсон манфаатларидан устун қўйилиши натижасида ижтимоий ҳаётнинг чекланиши ва унинг оқибатларига оид хулосалардан «Республика Маънавият ва маърифат маркази» Самарқанд вилояти бўлимининг «Жамоат ташкилотлари билан олиб бориладиган ишлар» номли режасини яратишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 7 июлдаги 02/012-635-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари XX асрнинг 20-30 йилларида маданий-маърифий муассасаларнинг аҳоли ижтимоий ҳаётига таъсири, натижа ва унинг оқибатларини ёритиб беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та конференция ва семинарларда, жумладан, 2 та халқаро (АҚШ, Буюк Британия) ҳамда 4 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг

асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола 6 та си республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Муаммонинг тарихшунослиги ва манбавий асоси**» деб номланган биринчи бобида маданий-маърифий муассасалар фаолиятига доир илмий адабиётлар ва манбалар гуруҳларга ажратилиб таҳлил этилган.

Масаланинг тарихшунослик таҳлиliga кўра, бугунги кунга қадар мавзу доирасида яратилган тадқиқотларни даври, географик ҳудуди, тили ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда шартли равишда уч гуруҳга: 1) совет даврида яратилган адабиётлар; 2) мустақиллик йилларида нашр этилган тадқиқотлар; 3) хорижда яратилган тадқиқотларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга оид тадқиқотлар совет даврида амалга оширилган бўлиб, большевиклар мафкуравий тузуми таъсирида сиёсий ғоялар билан суғорилган илк асарлардан иборат эди². Мазкур тадқиқотларда коммунистик партия таъсирида миллий маданиятни советлаштириш ва муаммога бир ёқлама ёндашиш кўзга ташланади. Совет даврида ташкил қилинган маданий-маърифий муассасалар фаолияти XX асрнинг 50-60 йилларидан эътиборан ўрганила бошланди. Мазкур изланишларда маданий-маърифий муассасаларнинг моҳиятини кишилар орасида янада кенгрок тушунтиришга эътибор қаратилган эди. Ўтган асрнинг 70-80 йилларда Ш.Бердиев ва Ш.Тоҳиров, М.Раҳимова, А.Рўзметовлар томонидан маданий-маърифий муассасаларнинг маданий жабҳадаги фаолияти масалалари тадқиқот объекти

² Икрамов А. Борьба на идеологическом фронте. – Ташкент: Узгосиздат, 1926. – 54 с.; ўша муаллиф. Ўзбекистонда маданий қурилишнинг асосий масалалари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1933. – 54 б.; ўша муаллиф. О задачах культурного строительства. – Ташкент: Узгосиздат, 1932. – 38 с.; Любимова С. Теория и практика работы партии среди женщин. – Ташкент: Туркпечать, 1926. – 48 с.; ўша муаллиф. В первые годы. – Москва, 1958. – 78 с.; Никитинский М. Красная чайхана-опорный пункт культурно-просветительной работы. – Ташкент, 1934. – 27 с.; Штерн И. Ўзбек халқининг социалистик маданияти. – Тошкент: Ўзпартнашр, 1939. – 67 б.; Хушбеков А. Из истории культурного строительства в Узбекистане в годы первой пятилетки. – Самарканд: Изд-во Узбекского государственного университета, 1959. – 92 с.; Шермухаммедов С. Ўзбек халқи социалистик маданиятининг миллий шакли ҳақида. – Тошкент, 1961. – 98 б.; Гулметов Э. Коммунистик қурилиш ва кишлок маданияти юксалишининг баъзи масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1969. – 112 б.; Рахманов Н., Умаралиев А. Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 254 б.

сифатида ўрганилди³. Ўзбекистон вилоятларининг 1920-1930 йиллардаги иқтисодий, сиёсий, маданий, ижтимоий ҳаётига бағишланган диссертацион тадқиқотлар олиб борилди⁴. Совет даври тадқиқотларида маданий-маърифий муассасаларнинг турли жиҳатлари таҳлил қилинган. Аммо мазкур тадқиқотлар хумкрон мафкура таъсири остида яратилгани боис муассасаларнинг 1920-1930 йиллардаги фаолиятини объектив баҳолаш имконини бермайди.

Иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида яратилган илмий тадқиқотлар киради. Бу даврда Ўзбекистоннинг совет даврини тарих фанида янгича назарий-методологик ёндашувлар асосида ўрганиш мезонлари ва тарихшунослик тадқиқотлари яратилди⁵. XX асрнинг 20-30 йиллари Ўзбекистон маданиятининг ривожланиши ва унинг муаммоларини бир ҳудуд доирасида тадқиқ этиш аънанаси мустақиллик йилларида давом эттирилди⁶. 1920-1930 йилларда хотин-қизлар масаласи ва «Хужум» ҳаракати, ёзув, «маданий инқилоб», таълим, дин, катагон сиёсати, масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилди⁷. Бу даврда совет даври маданий-

³ Бердиев Ш., Тохиров Ш. Клуб тарбия маскани. – Тошкент: Ўзбекистон, 1970. – 46 б.; Рахимова М. История развития научных библиотек в Узбекской ССР (1917-1941 гг.): дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1973. – 221 с.; Бердиев Ш. Учреждения культуры-важнейший очаг коммунистического воспитания. – Ташкент: Узбекистан, 1978. – 104 с.; ўша муаллиф. Культурно-просветительная работа в Узбекской ССР. – Ташкент: Фан, 1982. – 208 с.; Рўзметов А. Клуб муассасалари ва қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш. – Тошкент: Фан, 1980. – 32 б.; ўша муаллиф. Клуб и идейно-политическое воспитание. – Ташкент: Ўқитувчи, 1982. – 149 с.

⁴ Панабергенов А. Культурная революция в Кара-Калпакии в 1917-1937 гг: Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1957. – 268 с.; Рахманов Н. Культурное строительство в Бухаре в 1925-1932 годах: Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1961. – 285 с.; Самибаев К. Культурное строительство в Самаркандской области в 1925-1941 гг: Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1963. – 250 с.; Бабаева М. Культурное строительство в Ферганской области в 1925-1932 гг: Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1964. – 147 с.; Умаралиев А. Культурное строительство в Андижанской области в годы довоенных пятилеток: Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1968. – 314 с.; Игамбердыев Х. Развитие культуры в Узбекской ССР в годы социалистического строительства (1925-1941 гг.) (по материалам Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областей): Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1969. – 232 с.; Гулямов Р. Культурное строительство в Ташкентской области: Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1971. – 282 с.

⁵ Алимова Д. Женский вопрос в советской историографии Средней Азии (20-80-ые годы): Дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1991. – 285 с.; Мустафаева Н. XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон маданиятининг асосий йўналишлари ва муаммолари давр тарихшунослигида: Тарих фан. ном... дисс. – Тошкент, 1999. – 160 б.; ўша муаллиф. XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. – Тошкент: Navro'z. 2014. – 334 б.

⁶ Тўраева М. Ўзбекистонда маданий ҳаёт: муаммо ва оқибатлар (1920-1940 йй.) (Жанубий вилоятлар мисолида): Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2001. – 149 б.; Юлдашева М. Ўзбекистон миллий маданияти: ривожланиш йўналишлари ва муаммолари (XX асрнинг 20-йиллари): Тарих фан. ном... дисс. – Тошкент, 2004. – 181 б.; Қувватова Н. XX асрнинг 20-80 йилларида Ўзбекистон қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти (Қашқадарё вилояти мисолида): Тарих фан. ном. дисс... автореф. – Тошкент: 2010. – 28 б.

⁷ Алимова Д. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения и современные проблемы. – Ташкент: Фан, 1991. – 132 с.; Хасанов Б. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917 – начала 50-х годов: Автореф ... док. ист. наук. – Ташкент, 2000. – 54 с.; Нишонбоева Қ. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20-30 йиллар): тажриба ва оқибатлари: Тарих фан. ном... дисс. – Тошкент, 2001, – 160 б.; Жўраева Н. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни (XX асрнинг 20-30 йиллари): Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2004, – 190 б.; Асатова Г. Языковая политика в Узбекистане в XX веке: суть, последствия и уроки: Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2004. – 206 с.; Тиловатов Ф. Совет ҳукуматининг XX аср 20-30 йилларидаги “Маданий инқилоб” сиёсати ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилиши: Тарих. фан. ном. дис. – Тошкент, 2009. – 176 б.; Ишанходжаева З. Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания (1925-1950 гг.). – Ташкент: Tafakkur, 2011. – 288 с.; Салмонов А. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдирма ва тарих ҳақиқати (1917-1960 йиллар). – Тошкент: Тафаккур, 2015. – 160 б.; Халилова З.

маърифий муассасалари фаолиятига бағишланган бир қатор тадқиқотлар яратилган⁸. Ўтган асрнинг 20-30 йилларида шаҳар ва қишлоқ ижтимоий ҳаётининг баъзи жиҳатлари И.Шоймардонов, Н.Қувватова, С.Шодмоновлар томонидан ўрганилган⁹. XX асрнинг 20-30 йилларида юз берган тарихий жараёнлар жамоалаштириш ва қулоқлаштириш, совет ҳукуматининг Ўзбекистондаги бошқарув тизими, совет даврида маиший хизмат, давлат идораларининг маҳаллийлаштирилиши, аҳоли турмуш даражаси каби масалалар алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилди¹⁰.

Учинчи гуруҳ изланишларини хорижда яратилган тадқиқотлар ташкил этади. Замонавий хориж тарихшунослигида Ўзбекистонда XX асрнинг 20-30 йилларида кечган тарихий жараёнлар катта қизиқиш билан тадқиқ этилмоқда. Хусусан, Э.Бэкон, Э.Оллворт, А.Холид, Т.Мартин, Ш.Келлер, Д.Нортроп, Ф.Хирш, М.Камп изланишларида совет ҳукуматининг хотин-қизлар, «маданий инқилоб», дин, ёзув, қатағон сиёсати каби масалалар Ўзбекистоннинг XX аср тарихи тадқиқотлари таркибида ўрганилган¹¹. Сўнгги йилларда совет ҳокимияти ҳукмронлигининг маданий-маърифий муассасалар тарихига доир тадқиқотлар географик жиҳатдан Марказий Осиёнинг Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон каби давлатларида ҳам яратилган. Тарихшунослик ишларини таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки,

1945-1991 йилларда Ўзбекистонда ислом дини таълимининг ҳолати ва тарихшунослиги: Тарих фан. фалсафа док. (PhD) дисс...автореф. – Тошкент, 2019. – 22 б.

⁸ Қосимова О. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 192 б.; Нурмухамедова М. Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 96 б.; Охунжонов Э. Ватан кутубхоначилиги тарихи. Дарслик. 2-қисм. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – 308 б.; Курязова Д. Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустақиллик давридаги фаолияти (тарих ва ўлкашунослик музейлари мисолида): Тарих. фан. ном. дисс... автореф. – Тошкент, 2009. – 30 б.; Ўнғбоева Б. Ўзбекистонда 1920-1956 йилларда кино ва театр санъати тарихи: Тарих фан. фалсафа док. (PhD) дисс...автореф. – Тошкент, 2018. – 22 б.

⁹ Шоймардонов И. Ўзбекистон қишлоқларининг ижтимоий-маданий ҳаёти: тажриба, муаммолар (20-йиллар иккинчи ярми-30-йиллар): Тарих. фан. ном. ... дисс... – Тошкент, 1994. – 144 б.; Қувватова Н. XX асрнинг 20-80 йилларида Ўзбекистон қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти (Қашқадарё вилояти мисолида): Тарих. фан. ном. дисс... – Тошкент, 1994. – 146 б.; Шодмонова С. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2015. – 336 б.

¹⁰ Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 368 б.; ўша муаллиф. Қишлоқ фожеаси: Жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун: (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Тошкент: Шарқ, 2003. – 544 б.; Расулов Б. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган дехқонлар аҳволи (1929-1959 йй.): Тарих фанлари доктори (DSc) дисс. – Тошкент, 2017. – 270 б.; Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизимининг шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917-1941 йй): Тарих фанлари доктори (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 69 б.; Рашидов О. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг миллий сиёсатида давлат идораларининг маҳаллийлаштирилиши (1918 – 1933 йй.): Тарих фан. фалсафа док. (PhD) дисс...автореф. – Тошкент, 2018. – 22 б.

¹¹ Elizabeth E. Bacon. Central Asians Under Russian Rule: A Study in Culture Change. – New York: Cornell University Press, 1966. – 191 p.; Allworth, Edward. The Modern Uzbeks: From the Fourteenth Century to the Present: A Cultural History. – Stanford, Stanford University Press, 1990. – 136 p.; Adeeb Khalid. Making Uzbekistan: Nation, Empire, and Revolution in the Early USSR. – London: Cornell University Press Ithaca and London, 2015. – 415 p.; Terry Martin. The affirmative action empire: Nations and nationalism in the Soviet Union, 1923-1939. – Ithaca: Cornell University Press, 2001. – 496 p.; Keller, Shoshana. To Moscow, Not Mecca: The Soviet Campaign Against Islam in Central Asia, 1917-1941. – Westport, Conn.: Praeger, 2001. – 277 p.; Northrop D. Veiled Empire: Gender and Power in Stalinist Central Asia. – Ithaca and London. Cornell University Press, 2004. – 392 p.; Hirsch F. Empire of Nations: Ethnographic Knowledge and the Making of the Soviet Union (Culture and Society after Socialism). – London: Cornell University Press, Ithaca and London, 2005. – 367 p.; Marianne Kamp. The New Woman in Uzbekistan: Islam, modernity, and unveiling under communism. – Seattle: University of Washington Press, 2006. – 332 p.

XX асрнинг 20-30 йилларида маданий-маърифий муассасаларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни масалаларини ўз ичига олган яхлит ва тизимли тадқиқот амалга оширилмаган.

Муаммонинг манбавий асоси таҳлилига кўра, XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон шароитида ташкил қилинган маданий-маърифий муассасаларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ўрганишда турли кўринишдаги манба ва адабиётларни хусусиятларига кўра тавсифлаш мумкин. Яъни, тадқиқот манбавий асосини архив ҳужжатлари¹², расмий ҳужжатлар¹³, статистик аҳамиятдаги ҳужжатлар¹⁴, тарихий ва мемуар асарлар¹⁵, даврий матбуот материаллари¹⁶, рассомчилик ва фото материаллар¹⁷ ташкил этади. Манбалар таҳлилига кўра, ҳужжатларнинг аксарияти партия талаби тазйиқи остида яратилгани боис уларда келтирилган маълумотларнинг барчасини объектив деб қабул қилиб бўлмайти. Бу эса ҳужжатларни танқидий, қиёсий ўрганиш, уларни чуқур таҳлил этишни тақазо этади.

Диссертациянинг «1920-1930 йилларда Ўзбекистонда совет ҳукмрон мафкурасини тарғиб этишда маданий-маърифий муассасаларнинг ўрни» деб номланган иккинчи бобида XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистонда

¹² Ўз МА, Р-25 жамғармаси (ТАССР Халқ Комиссарлари Совети). Ўз МА, Р-34-фонди, яъни, Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги ҳужжатлари рўйхати йиғма жилди. Ўз МА, Р-86 фонд Ўзбекистон ССРнинг Марказий Ижроия қўмитаси ҳужжатлари, Ўз МА, Р-94 фонд Маориф халқ комиссарлигининг ҳужжатлар жамғармаси 1- ва 5-рўйхат ҳужжатлари, Ўз МА, Р-737 фонд Ўзбекистон Республикаси қасаба қўмитаси кенгаши ҳужжатлари; Самарқанд ВДА, 142-фонд “Отдел народного образования исполнительного комитета” 1 та рўйхат, 50 та йиғма жилд, 152-фонд “Отдел Народного образования исполнительного комитета Каттақурганского уездного совета” 1 та рўйхат, 114 та йиғма жилд, 230-фонд “Ўзбекиский драматический театр им.Х.Алимжана областного управления культуры” 2 та рўйхат 184 та йиғма жилд.

¹³ КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Т-2. – Москва: Политиздат, 1983 – 609 с. КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и Пленумов ЦК. Изд 9-е. Т.3. – Москва, 1984. – 496 с.; Ўзбекистон Коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари. –Тошкент: Ўздавнашр, 1958. 546 б.; Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК (1925-1986). В 4-томах. Том 1. –Ташкент. 1987. – 728 с.; Культурное строительство в Туркестанской АССР. Сборник документов. Том I. – Ташкент: Узбекистан, 1973. – 571 с.

¹⁴ Список населенных мест Узбекской ССР. Центральное Статистическое Управление Узбекистана. Выпуск II. – Самарканд: Издание Ц.С.У.УзССР, 1925. – 84 с.; Народное хозяйство Средней Азии в цифрах. Стат. сб. – Ташкент, 1929. – 624 с.; Коммунистическая партия Туркестана и Узбекистана в цифрах. (Сб. стат. материалов). 1918-1967. – Ташкент, 1968.; Народное хозяйство СССР 1922-1982 гг. – Москва: Финансы и статистика, 1982. – 624 с., Ўз МА, Р-94 жамғарма, 5-рўйхат, 1257 йиғма жилд. “Списки учреждений клубного типа по городам и районам УзССР” 1933., Ўз МА, Р-94 жамғарма, 5-рўйхат, 1872-йиғма жилд. “Статистический отчет по учреждениям политпросвета” 1936., Ўз МА, Р-94 жамғарма, 5-рўйхат, 1914-йиғма жилд. “Сводные годовые статистический отчет по клубным учреждениям сети Наркомпроса УзССР 1930, 1936, 1940 годы”.

¹⁵ Мухаммаджонов М. Турмуш уринишлари. 3-нашри. –Тошкент: Ўздавнашр, 1964. – 180 Б.; Юлдашбаева Ф. Моя судьба. Рассказы о жизни. – Ташкент: Ёш гвардия, 1972. – 120 б.; Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси.//Мухаррир Увайсхонтўра Шокиров. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 237 б.; Ходизода Р. Самарқанднома. – Тошкент: Tafakkur, 2011.– 392 б.

¹⁶ Даврий матбуот материалларининг асосий қисмини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ноёб қўлёзмалар фондида сақланаётган Пяу-91 Аланга, Р-Муштум, Пяу-329 Янги қишлоқ, Пяу-295 Қизил тамға, Пяу-109 Машраб, Пяу-77 Янги йўл, Р-88 Экин кампанияси каби газета ва журналлар, Самарқанд давлат музей қўриқхонаси архив фондининг ноёб қўлёзмалар бўлимидаги КП-3193/ Аланга 1929 йил, КП-494/5694/1-газета Кўмак, КП-5694/10 газета Ударник печати, КП-5694/14-Ишчи газетаси, КП-5694/15-Қутилиш газетаси, КП-5694/23-Колхоз йўли, КП-1395/21-Камбағал деҳқон, Самарқанд вилоят давлат архивида сақланаётган “Зарафшон”, “Қизил Ўзбекистон”, “Труд”, “Туркестанская правда”, “Пролетарий” каби даврий нашрлар ташкил этади.

¹⁷ Ўз МА, Р-2285 жамғарма, 1-рўйхат, Л.Л.Бурэнинг шахсий жамғарма жилди, Баҳром Ҳамдамий “Қизил чойхона”, “Чойхонада оқшом”, “Колхоз мерганлар тўғараги”, А.Н.Волков “Анор чойхона”, “Красная чайхана”, Л. Бурэнинг “Чойхона”, “Қизил чойхона”, “Активистлар чойхонада” ранг-гасвир асарлари.

ташкил этилган маданий-маърифий муассасаларнинг асосий вазифалари ва хусусиятлари, Ўзбекистон халқи ижтимоий ҳаётига қизил чойхона, қизил арава, маълумотлар столи каби тарғибот воситаларининг кириб келиши, муассасаларнинг моддий аҳволи ва кадрлар масаласи ёритиб берилган.

1920-1930 йилларда совет ҳукумати томонидан ҳудудларда унинг табиий ва ижтимоий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда маданий-маърифий муассасалар ташкил этилди. Ўзбекистонда клуб, кутубхона, театр, музей, кироатхона, қизил чойхона, қизил бурчак, «Дехқон уйи», қишлоқ кироатхонаси каби сиёсий таълим тарғиботи билан шуғулланган маданий-маърифий муассасалар тизими яратилган эди. Маданий-маърифий муассасалар совет мафкуравий кампаниялари тарғиботида асосий объект вазифасини бажарди. Бу даврда ташкил этилган маданий-маърифий муассасаларнинг асосий мақсади аҳолини миллий маданият ва кадриятлардан узоқлаштиришда оммани сиёсий-ғоявий жиҳатдан тарбиялаш, уларда ҳукмрон мафкура ақидаларига ишончли шакллантириш вазифасини бажарди¹⁸.

Ўзбекистон ҳудудида маданий-маърифий муассасаларнинг дастлабки шакллари билан клублар бўлди. Завод, фабрика ва шаҳар аҳолисини уюштириш билан шуғулланган клубларнинг энг катта камчилиги муассаса фаолиятининг аҳоли эҳтиёжи ва талабларига мос эмаслиги эди¹⁹. Масалан, кироатхона ва кутубхоналар аҳоли ўртасида совет ҳукмрон ғоясини тарғиб қилувчи китоб ва газета-журналлар билан тўлдирилди. 1918 йилдан бошлаб ташкил этила бошлаган музейлар эса партия сиёсатини плакатлар ва фото кўргазмалар орқали намойиш этган ҳолда аҳоли орасига кириб борган²⁰.

Инсонлар дунёқарашида, маънавий ҳаётида ўзгаришлар ясаш зарурати тарғибот ишида театрни олдинги қаторга чиқишига сабаб бўлди. Театр ҳам партиявийликка бўйсундирилди, у ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилди²¹. Жамиятнинг қуйи қатлами онгига совет мафкурасини мунтазам сингдириб бориш мақсадида XX асрнинг 20-йилларидан маданий-маърифий муассасаларнинг янги кўриниши сифатида маҳаллий аҳоли ижтимоий ҳаётига қизил чойхоналар кириб кела бошлади. 1924 йилга келиб Ўзбекистон ҳудудида қизил чойхоналар маданий-маърифий муассасаларнинг кенг тарқалган турига айланиб, сон жиҳатдан тез ўсиб борди²². 1925 йилга келиб Ўзбекистон коммунистик партиясининг бир-бирини такрорлаётган тарғибот усуллари билан воз кечиш ҳақидаги кўрсатмаси билан қизил чойхоналар қишлоқ клуби вазифасини бажара бошлаган. Кўринишидан анъанавий чойхоналардан фарқ қилмаган қизил чойхоналар 2-3 хонадан иборат бўлиб фақат кундузи ишлаган. Тарғибот ишлари мавсумий тарзда мудир томонидан

¹⁸ Ўз МА, 34-фонд, 1-рўйхат, 1216-иш, 20-варақ.

¹⁹ Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 323-иш, 73-варақ.

²⁰ Курязова Д. Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустақиллик давридаги фаолияти (тарих ва ўлкашунослик музейлари мисолида): Тарих. фан. ном. ... автореф... – Тошкент. 2009. – Б. 15.

²¹ Мустафаева Н.А. XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили ... – Б. 257.

²² 1921 йилда Туркистон ўлкасида 87 та, 1923-1924 йилларда 116 та, 1936 йил Ўзбекистонда 3374 та қизил чойхона ишлаб турган.

олиб борилган²³. Қизил чойхонанинг ҳақиқий аҳволи 1926 йилда ёзилган «Нотавон қизил чойхоналар»нинг муаллифи Абдулҳамид Мажидий «Чақмоқ» (1902-1938 йй) томонидан очиб берилган²⁴.

Мазкур даврда қизил чойхоналарга осиб қўйилган тошбақа ва самолёт тасвирланган қизил ва қора доскалар ўз даври аҳолиси ижтимоий ҳаётини кўрсатиб турарди. Қизил тахтага совет тарғиботи фаоллари номи қайд этилган бўлса, қора доскага совет давлатига хайрхоҳ бўлмаган кишилар номи ёзиб борилган²⁵. Қизил тахтадаги фаоллар қаторида туриш учун одамлар турли қийинчиликларга ҳам рози бўлишган. Масалан, Самарқанднинг «Инқилоб» даҳасида жойлашган «8-март» колхозида яшаган Очилой Рўзмурод кизи хомиладор ҳолда ҳам қизил доскада номи чиқиши учун пахта теримида қаттиқ меҳнат қилиб жонбозлик кўрсатган фаоллардан бўлган²⁶. XX асрнинг 30-йилларида қизил чойхоналарда маҳаллий аҳоли ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ таъзия, суд ва бошқа тадбирлар уюштирилган. 1935 йилнинг сентябрида Тошкентнинг Самарқанд дарвоза маҳалласи қизил чойхонасида маҳаллий аҳоли ўртасида катта мавкега эга бўлган кишиларни очик суд қилиб жазолаган²⁷.

1925 йилда ўтказилган республика маданий соҳа ходимларининг йиғилишида кишлоқларда тарғибот ишларини кучайтириш мақсадида тарғибот ишининг кўчма шакли бўлган қизил арава ва қизил карвон (тарғибот карвони)лар фаолиятини кучайтириш масаласи кўриб чиқилган²⁸. Қизил арава деҳқонлар орасида маданий ишлар олиб боришнинг энг оддий ва энг содда кўринишдаги тарғибот воситаси сифатида қаралган. Қизил аравалардан 1926 йилда уюлмаган аҳоли ўртасида олиб борилган саводсизликни тугатиш ишларида фойдаланилган. Қизил арава таркиби кўчма тарғибот штаби қизил чойхона, кўчма кутубхона, бадий тўгарак аъзоси ва нотикдан иборат эди. Комсомол аъзоси бўлган кишлоқ агрономлари ва ўқитувчилар қизил арава ишига масъул саналган²⁹. XX асрнинг 30-йилларида маблағ етишмаслиги натижасида Андижон, Жиззах, Нарпай ҳудудларида қизил аравалар фаолияти тўхтаб қолган³⁰.

Совет ҳукуматининг маданий жабҳада юритган сиёсати таъсирини кузатиш ва ўрганиш мақсадида 1923 йил маданий-маърифий муассасаларда маълумотлар столи ташкил этилди³¹. Маълумотлар столининг асосий вазифаси ижтимоий сўровлар асосида аҳоли ижтимоий ҳаётига доир маълумотларни йиғиш эди. Маълумотлар столи қайд дафтарларидан бойлар, диний уламолар ҳақидаги «Бойларга қарши қандай курашиш керак?», «Хотин-қизларнинг «янги ҳаёт» куриши қандай бошланади?»

²³ Ўз МА, 94-фонд, 1-рўйхат, 400-иш, 12-варақ.

²⁴ Мажидий А. Танланган асарлар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Ҳ.Узоқов. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – Б. 67.

²⁵ Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 1785-иш, 6-варақ.

²⁶ Колхозчилар говуши. 1931 йил. 16 ноябрь, № 41.

²⁷ Адибни хотирлаб. Абдулла Қодирий. – Тошкент: Info Capital Group, 2017. – Б. 102.

²⁸ Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 326-иш, 3-варақ.

²⁹ Ўз МА, 94-фонд, 1-рўйхат, 223-иш, 114-варақ.

³⁰ Ўз МА, 737-фонд, 1-рўйхат, 2373-иш, 118-варақ.

³¹ Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 314-иш, 51-варақ.

«Миробларнинг хизматига эҳтиёж борми?» каби саволларга жавоб олиш орқали маълумотлар тўпланган ва шу тарихқа қатағон сиёсати даврида маҳаллий аҳоли тўғрисидаги турли хабарлар маълумотлар столида хуфёна йиғилган³².

XX асрнинг 20-30 йилларида маданий-маърифий муассасалар асосан давлат ва маҳаллий бюджет, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан ташкил этилган. Қизил чойхона ва клублар баъзан аъзолик бадаллари ва ижара солиғи ҳисобига ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаган³³. Давлат томонидан маданий-маърифий муассасаларга 1924-1925 йиллардан маблағ ажратила бошлаган. Кейинги йилларда маблағлар ҳисоби ўсиб борган. Хусусан, 1938 йилда Ўзбекистон бўйича 14 млн 862 рубль сарфланган. «Кўшчи» иттифоқининг ҳомийлик маблағи ҳисобидан 1926 йилда Ўзбекистон бўйича 151 та саводсизликни тугатиш мактаби, 80 та кироатхона, 183 та қизил чойхона ташкил қилинган³⁴.

1921 йилда тузилган Туркистон маданий ишлар бўлимлари малакали кадрларга эга бўлмаган. Натижада 1921 йилда ўтказилган партия X съездида маданий-маърифий муассасалар учун ходимлар тайёрлаш масаласи кўриб чиқилган. Таҳлиллар натижасида маълум бўладики, 1923 йилга келиб маданий-маърифий соҳа хизматчилари умумий ишчилар сонининг 8,3% га тенг бўлган³⁵. 1920-1930 йилларда маданий-маърифий муассасаларда кадрлар масаласига синфийлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлиб келинган. Яъни, сиёсий-маданий ходимларни танлаб олиш жараёнида диндор, бой, зиёли, савдогар каби ижтимоий қатлам вакилларининг фарзандлари ҳамда яқинларининг қатнашиши таъқиқланган³⁶. Маданий-маърифий муассасалар учун кадрлар тайёрлаш клуб, қизил чойхона, киномеханиклар йўналишларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби ҳудудларда ташкил этилган бир, икки, етти ойлик қисқа курслар орқали олиб борилган³⁷.

Тайёрлов курсларининг ўқув дастурлари асосан икки бўлимдан умумий ва махсус фанлардан иборат бўлган³⁸. Ўқув дастурларига киритилган фанлардан маълум бўладики, тайёрлов курслари тўлиқ совет мафкурасини сингдиришга қаратилган эди. Комсомол сафларидан тарғибот ва ташвиқот ишларини идрок этган кадрлар давр талаби билан «Ударник (Зарбдор)» деб аталган³⁹. Аммо тайёрланган кадрларнинг тарғибот ишлари учун билим ва савиялари етарли даражада бўлмаслиги маданий-маърифий муассасалардаги ишларда (ичкиликбозлик, турли ўйинлар) каби салбий ҳолатлар учраб турган.

³² Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 335-иш, 27-варак.

³³ Ўз МА, 94-фонд, 1-рўйхат, 209-иш, 47-варак.

³⁴ Ғойибназаров Ш. Ижтимоий ривожланиш сабоқлари (20-йиллар таҳлили). – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 121.

³⁵ Махкамова Н.Р. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX в. - 30-е годы XX в.): Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 2009. – С. 25.

³⁶ Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 326-иш, 51-варак.

³⁷ Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 562-иш, 67-варак.

³⁸ Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 562-иш, 69-варак.

³⁹ Мажидий А. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 36.

Диссертациянинг «Ўзбекистон ижтимоий ҳаётига маданий-маърифий муассасаларнинг таъсири» деб номланган учинчи боби аҳоли саводхонлик даражасини кўтаришда қироатхона ва кутубхоналарнинг ўрни, тўғарак ва ҳаваскорлик театрларида маҳаллий аҳолининг иштироки ва совет ҳукуматининг маданият соҳасида олиб борган сиёсатида маданий-маърифий муассасаларнинг роли масалаларига бағишланган.

1920 йилга қадар Туркистон миллий маърифатпарварлари томонидан шаҳарларда бир қатор қироатхоналар очилган бўлиб, адабиётларда «кутубхона», «ўқишхона», «қироатхона», «мутолаахона», «қироатхонаи исломия» номлари билан тилга олинади⁴⁰. Ҳокимиятнинг большевиклар кўлига ўтиши билан юз берган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар натижасида, аҳолини китоб билан таъминлаш 1921 йилда Туркистон АССРда бир кишига 0,0685% га, мусулмон аҳоли вакиллари учун 0,0025% га пасайиб кетган эди⁴¹.

XX асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмидан қизил чойхона таркибида ташкил этилган қироатхоналар ҳукмрон мафкура талаби билан «қизил ўқишхона» деб аталган⁴². 1920-1930 йилларда оғир шароит ва моддий етишмовчилик натижасида махсус китоб жавонлари йўқ бўлиб, ажратилган тахта ўринлар аксарият ҳолларда овқатланиш учун хизмат қилган. Каттақўрғон шаҳар қироатхонасида икки этикдўз косибчилик билан шуғулланган. Газета ва журналлар эса гўшт ва шу каби нарсаларни ўраш учун ишлатилган⁴³.

1926 йил октябрда «мафкуравий фронт»даги вазифаларни жадаллаштириш мақсадида қироатхона ва кутубхона фондлари маданий-маърифий бошқарма текширувидан ўтказилган. Қироатхона ва кутубхона фондлари ҳукмрон мафкура хизматида бўйсундирилди. Комиссия хулосаси билан муассасаларда сақланган Шарқ алломаларининг йирик илмий ва бадиий асарлари эскирган адабиётлар сифатида олиб ташланди⁴⁴. Қироатхона ва кутубхона фондларидан ижтимоий-сиёсий, фалсафа, совет даври адабиёти ва динга қарши китоблар ўрин олган.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб совет ҳокимияти таъсирини кучайтириш ва аҳоли орасида ҳукмрон мафкура ғояларини мустаҳкамлаш ишига қироатхона ва кутубхоналар ҳам тортилган. Самарқанддаги «Бехбудий» кутубхонасининг социалистик қурилиш жараёнидаги иштироки қаттиқ танқид қилинди⁴⁵. Халқнинг маърифатга, фанга ва миллий маънавиятга интилиши ҳукмрон кучлар томонидан сиёсий манфаатларга бўрилган. Саводхонлик даражаси устидан қаттиқ мафкуравий назорат

⁴⁰ Бу ҳақда қаранг: Абдулла Қодирий. Қироатхоналаримиз. Иштирокиюн. 1920, №120.; Туркистон вилоятининг газети. 1908 йил. №48.; Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Б.Қосимов. 2 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 219.; Каримов Н. Маҳмудхўжа Бехбудий. – Тошкент. 2010. – Б. 27. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н.Намозова. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 47.

⁴¹ Ўз МА, 34-фонд, 1-рўйхат, 1039-иш, 77-варақ.

⁴² Adeeb Khalid. Making Uzbekistan: Nation, Empire, and Revolution in the Early USSR ... – P. 349.

